

10-1-2019

## WAYS OF EFFECTIVE ORGANIZING OF THE PRACTICE OF ATTRACTING CAPITAL FROM THE INTERNATIONAL FINANCIAL MARKET

B. Toshmurodova

*Tashkent Financial institute*

M. Sadullayeva

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Toshmurodova, B. and Sadullayeva, M. (2019) "WAYS OF EFFECTIVE ORGANIZING OF THE PRACTICE OF ATTRACTING CAPITAL FROM THE INTERNATIONAL FINANCIAL MARKET," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 5 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **WAYS OF EFFECTIVE ORGANIZING OF THE PRACTICE OF ATTRACTING CAPITAL FROM THE INTERNATIONAL FINANCIAL MARKET**

The article describes forms of capital involvement in the international financial markets, the advantages and disadvantages of IPO operations, which in practice is carried out by placing shares in world stock markets on the basis of public subscription and the features of eurobonds and corporate bonds, also gives appropriate conclusions.

**Key words and phrases:** international capital movements, attraction of foreign capital, IPO, advantages and disadvantages of IPO, bonds, eurobonds, corporate bonds.

At present, modernization and innovative development of the economy will greatly increase the demand for financial resources. In this process, there is a need to attract capital from the international financial market.

In the conditions of financial globalization, the following features are reflected in the movement of international capital:

- uneven capital distribution in different countries around the world. At the same time, the flow of capital from a wealthy country to a needy country is observed;
- the imbalance between savings and investment in many countries. There is an excess of funds or a deficit for investment. Net exports or imports of capital appear from this result ;
- differences in the investment climate of the countries and the conditions for capital investment;
- differences in capital owner's efficiency in using capital;

The flow of financial resources between countries in the international capital movement results from the imbalance between national investment and savings. International capital movement expresses that at the same time putting into place a relative excess of money or commodities outside the country.

Corporate structures use three main forms of financial resources attraction: bank loan, bond issuance and stock emission . The practice of placing shares in an open subscription system is briefly referred to as IPO ("Initial Public Offering"). IPO is the placement of shares by the issuer in the primary open subscription market, during which they enter a wide range of investors and freely trade on the stock exchange.<sup>1</sup>

The volume of domestic and foreign investments is growing due to the attraction of financial resources through the process of placing the shares on the international stock exchanges in an open subscription order. Placement of shares on international stock exchanges in an open subscription system - attracting a wide range of investors the initial public offering of shares, the newly issued shares and their investment in the stock market.

---

<sup>1</sup> Elmiraev. S. E. Korporativ moliya. - T.: "Iqtisod-moliya", 2015. –112 p.

The main aims of the company to conduct IPO are to maximize long-term financial resources, increase and maintain the company status.

Another important issue is the minimal cost of preparing and conducting an IPO. The most positive aspects of the IPO process are non-repayable financial resources, business valuation, as a form of privatization, a reduction in credit rates, creating high liquidity and protecting the company from mergers.

In world practice, there are cases where companies solve a number of problems by implementing the IPO process. By doing this, the company will attract many investors and will be able to attract additional financial resources from them. Successful IPOs give private investors the opportunity to get capital .

In accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on April 26, 2019 № 358, several joint- stock companies have been able to implement IPO and SPO (2-table).

Table 2

**The list of joint- stock companies sell their shares through IPO and SPO in 2019<sup>2</sup>**

№	Name of Joint-Stock Company	Initiator of public offering of shares	Form of implementation	Charter amount of capital
1.	Uzsanoatkurilishbank	Uzsanoatkurilishbank	IPO	10%
2.	“Aloqabank”	“Fund for Reconstruction and Development of the Republic of Uzbekistan”, “Uztelecom” JSC	SPO	10%
3.	“Asia Alliance Bank” JSC	“Asia Alliance Bank”	IPO	10%
4.	“Jizzax plastic” JSC	“Jizzax plastic” JSC	IPO	25%
5.	“Commodity Exchange of the Republic of Uzbekistan ”	“Uzmetkombinat ” JSC and “AGMK” JSC	SPO	12%

According to the following table below, several joint-stock companies are assigned to conduct IPO and SPO, including Uzsanoatkurilishbank, Asia Alliance Bank” and “Aloqabank” make up 10% of the authorized capital, “Jizzax plastic” makes up 25% of the authorized capital, “Commodity Exchange of the Republic of Uzbekistan ” is planning to place its public offering within 12% of the authorized capital. At the same time, the maximum limit on which each investor can buy shares not be higher than 0.1% of the total number of shares offered.

At the moment of the rapid growth of the financial market, there is a growing interest in capital as a result of bond placement and placement as one of the common ways to attract capital. A bond is a debt security. Corporate bonds are one of the next steps in banking, which is aimed at strengthening its positions in the national market.

In today's practice, companies also deal with corporate currency in national currencies, as well as foreign currency securities, called eurobonds. Eurobonds (Ing

<sup>2</sup> The Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 358 of April 26, 2019 "On the organization of the primary and secondary public offer of shares on the Stock Exchange"

eurobond) are bonds traded in hard currency outside the country. Issuance of eurobonds requires a certain amount of preparation and costs. But on the other hand, it can attract long-term high financial resources at relatively low interest rates.

**Б.Тошмуродова - ТМИ профессори, и.ф.д.**

**М.Садуллаева - ТМИ магистранти**

## **ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИДАН КАПИТАЛ ЖАЛБ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мақолада халқаро молия бозоридан капитал жалб қилиш шакллари, акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш амалиёти ҳисобланган IPO операцияларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда еврооблигациялар ва корпоратив облигацияларнинг хусусиятлари хусусида фикр юритилган ҳамда тегишли хулосалар келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** халқаро капитал ҳаракати, хорижий капитал жалб қилиш, IPO, IPO афзалликлари ва камчиликлари, облигациялар, еврооблигациялар, корпоратив облигациялар.

## **ПУТИ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ПРАКТИКИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ КАПИТАЛА С МЕЖДУНАРОДНОГО ФИНАНСОВОГО РЫНКА**

В статье рассмотрены формы привлечения капитала на международных финансовых рынках, преимущества и недостатки операций IPO, которые на практике осуществляются путем размещения акций на мировых фондовых рынках на основе открытой подписки, а также особенности еврооблигаций и корпоративных облигаций, а также дает соответствующие выводы.

**Ключевые слова и фразы:** международное движение капитала, привлечение иностранного капитала, IPO, преимущества и недостатки IPO, облигации, еврооблигации, корпоративные облигации.

### **Кириш**

Жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобат ва молиявий-иқтисодий глобаллашув шароитида инвестицияларга бўлган талаб кундан-кунга тобора ошиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги корпоратив тузилмалар нафақат миллий бозордан ҳамда молия бозоридан ҳам капитал жалб қилиш орқали ўз фаолиятидаги молиявий масалаларни ҳал қилишга ва фаолиятини халқаро даражада кенгайтиришга интиломоқда.

Ҳозирда иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш йирик ҳажмда молиявий ресурсларга талабни оширади. Мазкур жараёнда халқаро молия бозоридан капитал жалб қилишга эҳтиёж сезилади.

Молиявий глобаллашув шароитида халқаро капиталлар ҳаракатида ўзига

хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

-жаҳонда турли давлатларда капиталнинг нотекис тақсимланганлиги. Бунда капитал ресурси капиталга бой мамлакатдан капиталга муҳтож мамлакатга қараб оқиб бориши кузатилади;

-кўп мамлакатларда жамғарма ва инвестициялар ўртасида номутаносибликнинг мавжудлиги. Бунда инвестиция учун ортиқча маблағлар ёки дефицит содир бўлади. Бунинг натижасида капиталнинг соф экспорти ёки импорти вужудга келади;

-мамлакатларнинг инвестицион муҳитидаги ва капитал қўйилмалар учун яратилган шароитлардаги фарқланишлар;

-капитал эгасининг капиталдан фойдаланиш самарадорлигидаги фарқлар.[1]

Айни иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида корпоратив тузилмалар ўз фаолиятида халқаро миқёсда рақобатга киришларига эҳтиёж сезилади. Шу сабабли улар ўз фаолиятларини мунтазам ривожлантириб боришлари, янги лойиҳаларни амалиётга жорий этишлари, янги бозорларни эгаллаши талаб қилинмоқда.

Халқаро капитал ҳаракати мамлакатлар ўртасидаги молиявий ресурслар оқими миллий инвестиция ва жамғарма ўртасидаги номутаносиблик оқибатида келиб чиқади. Халқаро капитал ҳаракати айни вақтда нисбий ортиқча бўлган пул ёки товар моддий маблағларни мамлакат чегарасидан четга жойлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги ПҚ-4300 сонли “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш ва инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун таклиф қилинадиган хўжалик жамиятларининг устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларининг сотилиши белгиланган миқдори тўғрисида маълумотлар ва бу вазифаларни бажариш бўйича тавсиялар берилган.[2]

Иқтисодий ривожланишда қўшимча капитал сифатида хорижий капитални жалб қилишнинг аҳамияти муҳимдир. Одатда, ҳар бир ривожланаётган мамлакатлар ривожланишининг дастлабки босқичида ички жамғармаларнинг етишмаслиги ва капиталнинг етарли даражада шаклланмаганлиги сабабли хорижий капиталга еҳтиёжи сезади. Деярли ҳар бир ривожланган давлат ўзининг ривожланишининг дастлабки босқичларида ўз жамғармаларини тўлдириш учун хорижий молиявий ёрдамдан фойдаланган. Жумладан, Ҳиндистон иқтисодиётининг ривожланишида асосан ривожланган мамлакатлардан келган хорижий капитал катта рол ўйнаган. [3]

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодий адабиётларда молия бозорининг таркибий тузилмаси бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Бу молия бозорининг таркибий тузилмаси бўйича россиялик таниқли иқтисодчи олим, иқтисод фанлари доктори, профессор В. Н. Галановнинг фикрича, молия бозори тўртта таркибий қисмдан иборат: тижорат банкларининг капиталлари бозори; валюта бозори; қимматли қоғозлар бозори; суғурта ва инвестиция фондлари бозори. [4]

Акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштиришнинг ташкилий хусусиятлари тўғрисида С.Элмирзаев илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва унда IPO жараёнининг афзаллик, камчиликлари ва IPO натижалари таҳлили кўриб чиқилган. [5] Н.Турсунова халқаро капитал бозорларидан молиявий ресурслар жалб қилиш шакли сифатида акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш амалиётига доир илмий тадқиқотлар амалга оширган ва IPO амалиётини корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштиришда халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг замонавий шакли сифатида таъкидлайди. [6] Р.Бендер ва К.Вардлар эса ўз илмий ишларида корпоратив молия IPO амалиётининг аҳамияти ва уни муваффақиятли жойлаштириш учун эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатларни ўрганиб, бунда листинг учун фонд биржасини танлашда, листинг шартларида ва корпоратив тузилма имкониятларидан келиб чиқиб ёндашиш керак эканлигини ўз ишларида ёритишган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Айни вақтда, корпоратив тузилмалар нафақат миллий бозордан капитал жалб қилишга балки, халқаро молия бозорларидан ҳам капитал жалб қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Корпоратив тузилмалар молиявий ресурслар жалб қилишнинг учта асосий шаклларида фойдаланади: банк кредити, облигациялар чиқариш ва акциялар эмиссияси. Акцияларни очик обуна тартибида жойлаштириш амалиёти қисқача IPO (ing “Initial Public Offering”) деб юритилади. IPO эмитент томонидан акцияларни бозорда бирламчи очик обуна усулида жойлаштириш бўлиб, бу жараён давомида улар инвесторларнинг кенг доирасига кириб борадилар ва фонд биржасида эркин савдони амалга оширадилар. [7]

Акцияларни очик обуна тартибида жойлаштириш шакли орқали маблағ жалб қилиш кенг тарқалган машхур усуллардандир. Акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш жараёнини амалга ошириш истагини билдирган компаниялар сони дунёда тобора кўпаймоқда. Акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш жараёни орқали молиявий ресурслар жалб қилинишидан ички ва чет эл инвестициялари ҳажми ортмоқда. Акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш– инвесторларнинг кенг доирасига бирламчи оммавий акциялар таклифи, янги эмиссия қилинган акциялар ва уларни фонд бозорига жойлаштириш натижасида инвестициялар жалб қилишдир.

Компаниянинг IPOни ўтказишдан асосий мақсадлари узоқ муддатли молиявий ресурсларни максимал ҳажмда жалб қилиш, компанияни статусини оммавийлигини ошириш ва қўллашда ақс этади. Бошқа томондан IPO амалиётининг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд эканлигини унутмаслик лозим (1-жадвал).

1-жадвал

**Одий акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш ва IPO операциялари афзалликлари ва камчиликлари [8]**

<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
Бу манба ўзида мажбурий тўловни ўзида ақс эттирмайди, яъни дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор директорлар кенгаши томонидан қабул қилинади ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланади	Корхонани бошқаришда ва фойдани тақсимлашда иштирокчилар сони ортади
Акциялар қопланиши бўйича қатъий белгиланган муддатга эга эмас, чунки акциялар доимий капитал манбаси бўлиб хизмат қилади	Қўшимча акциялар эмиссияси инвесторлар томонидан салбий сигнал сифатида қабул қилиниши мумкин ва бу қисқа муддат ичида акциялар курсининг пасайишига олиб келиши мумкин
Акциялар ликвидлигининг ошиши ва капитал қиймати пасайганда йирик, узоқ муддатли молиялаштириш манбасига эга бўлиши	IPO ни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг юқорилиги
Келажакда позициялари кучлироқ компания билан ўзаро бирлашишнинг осонлашиши	“Душман” акциядорларининг компания фаолиятига кириб келиш эҳтимоли
Инвесторлар ва мулкдорлар учун бизнестан чиқиш йўлининг осонлашиши	Компаниянинг инвестицион тарихи бўлиши шартлиги
Компания нуфузининг ошиши, унинг бозорда танилиши ва инвестицион жозибadorликнинг таъминланиши ва бошқалар	Молиявий ва юридик маълумотларнинг ошкоралиги

Яна бир муҳим масалалардан бири, IPOни тайёрлаш ва ўтказиш борасида минимал харажатлар сарф этиш ҳисобланади.

*IPO* жараёнининг кўзга кўринган ижобий томонларига қайтарилиши лозим бўлмаган молиявий ресурслар жалб қилиш, бизнес қийматини баҳолаш, хусусийлаштириш шакли сифатида, кредит ставкаларини пасайиши юқори ликвидликни яратиш, компанияни қўшиб олишлардан ҳимоялашни компания қўлга киритаётган афзалликлари сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Жаҳон амалиётида *IPO* жараёнини амалга ошириш орқали компаниялар бир қанча муаммоларни ечиш каби ҳолатлар мавжуд. Бу орқали компания аҳоли ўртасида кўпгина инвесторларни қўлга киритади ва улардан қўшимча молиявий ресурслар жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Муваффақиятли *IPO* ўтказиш натижасида хусусий инвесторлар капитал ишлаш имконига эга бўлишади. Мисол учун, Google компаниясининг акцияларига қўйилма қилган инвесторлар, 4 йилдан кам муддат ичида 5 баробардан юқори ижобий молиявий натижага эришдилар. Компания 2004 йилда 19,6 млн. акцияни бир донаси \$85 нархда оммавий жойлаштирди. *IPO*нинг биринчи кундаёқ акциялар 18 %га ошди, 2008 йилда эса акцияларнинг бир донаси \$593дан сотилаётган эди.

*IPO* жараёни муваффақиятли ўтказилишига мисол бўлиб бошқа компанияни олишимиз мумкин. “*MasterCardInc*” компанияси 2006 йилда биржага 61,5 млн. акцияни \$39дан жойлаштирди ва биринчи куннинг ўзида акциялар савдоси \$44,93 нарх даражаси билан савдолар ёпилди. 2008 йилда эса, компания акциялари \$293,94 котировкага эга эди. [9]

Республикада жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сонли Қарорига асосан бир нечта акциядорлик жамиятлари *IPO* ва *SPO* жараёнини амалга ошириш имкониятига эга бўлишди. (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 2019 йилда акцияларни бирламчи (*IPO*) ва иккиламчи (*SPO*) оммавий таклиф қилиш йўли билан акциялари сотиладиган акциядорлик жамиятлари рўйхати [10]

№	Акциядорлик жамияти номи	Акцияларни оммавий таклиф қилиш ташаббускори	Амалга ошириш шакли	Устав капитал идаги миқдори
1.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	<i>IPO</i>	10%
2.	“Алоқабанк” АТБ	Ўзбекистан Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди, “Ўзбектелеком” АЖ	<i>SPO</i>	10%
3.	“Asia Alliance Bank” АТБ	“Asia Alliance Bank” АТБ	<i>IPO</i>	10%
4.	“Жиззах пластмасса” АЖ	“Жиззах пластмасса” АЖ	<i>IPO</i>	25%

5.	“Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ	“Ўзметкомбинат” АЖ и “АГМК” АЖ	SPO	12%
----	---	--------------------------------	-----	-----

Қуйидаги жадвал маълумотларига асосан IPO ва SPO ўтказиши белгиланган акциядорлик жамиятлари жумладан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Asia Alliance Bank” АТБ ва “Алоқабанк” АТБ устав капиталининг 10 %и доирасида, “Жиззах пластмасса” АЖ 25% ва “Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ эса устав капиталининг 12% и доирасида оммавий жойлаштирилиши белгиланган. Бунда ҳар инвестор акцияларни сотиб олиши мумкин бўлган максимал чегара белгилаб қўйилган бўлиб, бу кўрсаткич оммавий таклиф қилинаётган акцияларнинг 0,1 фоизидан юқори бўлиши мумкин эмас. Таклиф этиладиган баҳо ташаббусчи билан келишувга кўра оммавий таклиф ташкилотчиси томонидан фонд биржаси қодаларида назарда тутилган усуллардан келиб чиқиб белгиланиши назарда тутилди.

Ҳозирда молия бозори жадал ривожланаётган вақтда, капитал жалб қилишнинг кенг тарқалган усулларидан бири сифатида облигация эмиссиясини амалга ошириш ва уларни жойлаштириш натижасида капитал жалб қилишга эътибор кучаймоқда.

Облигация қарз муносабатини англлатувчи қимматли қоғоз ҳисобланади. Корпоратив облигациялар – бу банк фаолиятидаги, миллий бозорда ўз позицияларини мустақамлаш мақсадида амалга оширилаётган, навбатдаги босқичдирлардан биридир.

Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган банкларидан бири - АТБ “InfinBANK”. Банк активлари ва хусусий капитали иштирокидаги, ўз капиталининг ҳажми бўйича энг йирик тижорат банклари сонига кириб, АТБ “InfinBANK” ўзини, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда банк хизматларини кўрсатиш жараёнини таъминлаётган, ишончли ва жадал ривожланаётган молиявий институт сифатида ўз корпоратив облигацияларини муомалага чиқарди. АТБ “InfinBANK” корпоратив облигацияларининг рўйхатдан ўтказган ҳолда чиқарилишининг ҳажми, номинал қиймати бўйича 100,0 млрд. сўмни ташкил қилади. Облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати 2 йил қилиб белгиланган. Ҳар биттасининг номинали – 1 миллион сўм . Даромадлиги – йиллик 16% ва ликвидлик бутунлай кафолатланган. Бу жалб қилинган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган. АТБ “InfinBANK”нинг 2018 йил учун йиллик ҳисоботида мувофиқ, Банкнинг умумий активлари 350,0 миллион АҚШ долларидан ортиқ , кредит портфели – деярли 227,9 миллион АҚШ долларини, соф фойда эса – 6,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган. [11]

Бугунги кун амалиётида компаниялар миллий ваютадаги корпоратив облигациялар билан бир қаторда, еврооблигация деб аталувчи хорижий валютадаги қимматли қоғозларнинг ҳам халқаро фонд биржаларида муомаласи кузатилмоқда. Еврооблигациялар (Ing eurobond) мамлакатдан ташқарида қаттиқ валютада сотиладиган ооблигациялардир. Еврооблигациялар муомалага чиқариш маълум бир тайёргарлик ишларини ва харажатларни талаб қилади.

Лекин бошқа томондан нисбатан паст фоизларда узоқ муддатли юқори миқдордаги молиявий ресурслар жалб қилиш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг евробонд бозорида иштирок этиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон илк мартаба 1 миллиард долларлик еврооблигацияларни жойлаштирди. Қарз еврооблигацияларини ёпиш муддати 2024 ва 2029 йил феврал ойлари этиб белгиланди. Ўзбекистон аввалига еврооблигациялар даромадлилигини 5,3 -6% миқдорида белгилаган эди, аммо талабнинг юқорилиги сабабли фоиз ставкалари қайта кўриб чиқилиб, уларни 4,75% ва 5,3% гача туширилди. Жойлашув талабга жавоб берадиган ва яхши диверсификация қилинган бўлиб чиқди, чунки институционал инвесторлардан 3, 8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 150 га яқин таклиф қабул қилинди. Жўғрофий нуқтаи назардан британиялик инвесторлар 5–10 йиллик еврооблигацияларнинг 39% ва 32%ини, америкаликлар 23% ва 31%ини харид қилдилар. Континентал Европа инвесторлари 32% ва 37%ига эга бўлдилар, қолган 6% ва 10% и эса Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка инвесторлари томонидан сотиб олинди. Еврооблигацияларнинг аксариятини (75% ва 78%) бошқарув фондлари, суғурта компаниялари ва пенсия фондлари (20% ва 16%), ҳамда банклар (5–6%) харид қилганлигини кўришимиз мумкин. [12]

### **Хулоса ва таклифлар**

Умуман олганда, акцияларни очик обуна тарзида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш, яъни IPO операцияларининг хусусиятларига оид қуйидаги хулосаларни айтиб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, акцияларни очик обуна тартибида жойлаштириш нисбатан юқори миқдордаги харажатларни ва кўп вақтни талаб қилсада, катта миқдордаги капитални ҳам жалб қилиш имконини беради. Бу эса келгусидаги янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Иккинчидан, стратегик аҳамиятга эга корпоратив тузилмалар томонидан IPO операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида мазкур амалиётнинг камчиликларини эътибордан четда қолдирмаслик муҳим ҳисобланади. Чунки баъзи инвесторларнинг корпоратив тузилмалар фаолиятига кириб келиши компания молиявий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Учинчидан, еврооблигацияларни муомаласини амалга ошириш орқали паст фоиз ставкали ва узоқ муддатли молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлинади. Бу жалб қилинган маблағлар ҳисобидан олдиндан амалга оширилиши назарда тутилган ва тасдиқланган лойиҳаларга йўналтириш ундан фойдаланиш самарадорлигини янада оширади.

Тўртинчидан, бундан ташқари муддати келганда еврооблигацияларни сўндириш туфайли халқаро ижобий кредит тарихига эга бўлиш ва бу орқали келгусида капитал жалб қилишда ишончга эга бўлиш имконияти мавжуд;

Бешинчидан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари акцияларини халқаро фонд биржаларига очик жойлаштириш

амалиётини ташкил этишда листинг талабларидан бири ҳисобланган дастлабки тўловлар ва ҳар йиллик тўловлар даражасини ҳисобга олиш лозим. Чунки бундай тўловларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатмаслиги талаб этилиши муҳимдир деб ўйлаймиз.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Атаниязов Ж.Х, Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. Тошкент-2014
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги ПҚ-4300 сонли “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори
3. Volume 1, Issue 3, August 2013 International Journal of Advance Research in Computer Science and Management Studies Research Paper Available online at: [www.ijarcsms.com](http://www.ijarcsms.com) An Article on Foreign Capital and Foreign Investment (Foreign Direct Investment) Dr. K. S. Vataliya1 Bhanuben N. Parmar
4. Рынок ценных бумаг. Учебник под ред. Д. э. н. проф. Галанова В. А. – М. : «Финансы и статистика» 2004 198 ст.
5. Элмирзаев С.Э. – ТМИ, и.ф.д. Боев Б.Ж. – ТМИ, ўқитувчи Акцияларни оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2018 йил [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz)
6. Турсунова Н.Р.Халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг замонавий шакли“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил
7. Элмирзаев. С. Э. Корпоратив молия. Ўқув қўлланма. - Т. : Иқтисод-молия, 2015. –112 б.
8. Элмирзаев С. Акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштиришнинг ташкилий хусусиятлари. // Biznes-Эксперт . – Тошкент, 2015. – №7. – Б. 19.
9. Турсунова Н.Р.Халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг замонавий шакли. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 358-сонли Қарори
11. <http://m.infinbank.com/uz/press/2019/03/1655/>
- 12.. <https://www.spot.uz/oz/2019/02/14/obligatsiya/>